

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН ҲУКМ

2024 йил май ойининг 6 куни, жиноят ишлари бўйича Тошлоқ туман суди, ўз биносида, очиқ суд мажлисида, раислик қилувчи туман судининг судьяси М.Сиддиков, судья ёрдамчиси А.Сулаймановнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Тошлоқ туман прокурорининг ёрдамчиси С.Охунов, судланувчи М.Омонова ва унинг ҳимоячиси Х.Собированинг иштирокида, Омонова Мукамбархон Жамолитдин қизига нисбатан 1-1517-2402/90-сонли жиноят ишини кўриб чиқди. Иш ҳужжатларига кўра:

Омонова Мукамбархон Жамолитдин қизи (Omonova Mukambarxon Jamolitdin qizi), 1994 йил 15 майда Тошлоқ туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта-махсус, оилали, 2 нафар фарзанди бор, муқаддам судланмаган, вақтинча ишламайди, Қува тумани, Кандабулоқ маҳалла фуқаролар йиғини, Тинчлик кўчаси 34-уйда яшайди, иш бўйича “тилхат” эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов далолатномаси нусхасини 2024 йил 29 апрелда олган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 131-моддаси 1-қисми билан айбланган.

Суд, судланувчи ва гувоҳларни кўрсатувини эшитиб, дастлабки тергов жараёнида ва судда тўпланган далилларни текшириб, муҳокама қилиб ва уларга ҳолисона баҳо бериб, жиноят ишидаги ҳужжатларни таҳлил қилиб, тарафлар фикрини тинглаб, қуйидагиларни

### АНИҚЛАДИ:

Судланувчи М.Омонова 2024 йил 19 март куни Тошлоқ туман, Юқори қишлоқ МФЙ, Қалачи кўчасида енгил даромад топиш мақсадида, О.Қурбонов ва Д.Турсуновларни бегона аёллар билан жинсий алоқа қилиш ниятида юрганидан ўзининг ғаразли ёки бошқа паст ниятларда фойдаланиб, у билан жинсий алоқа қилиш учун таниши Л.Муминовани излаб топиб, 200.000 сўм эвазига улар билан жинсий алоқа қилиши учун кўндириб, қўшмачилик қилганига Д.Турсунов ва О.Қурбоновлар томонидан берилган 200.000 сўмни Л.Муминовадан олганида Тошлоқ тумани ИИБ ходимлари томонидан ўтказилган “Орият 2024” профилактик тадбири давомида ушланган.

Судланувчи М.Омонова, айбига тўлиқ иқрорлик билдириб, Тошлоқ тумани, Қалача маҳалласидаги ёлланма ишга чиқувчилар тўпланадиган жойга бориб, ишлаб келишини, 2024 йил 19 март куни соат 11-30 ларда ёнига бир О.Қурбонов “Матиз” русумли автомашинада келиб жинсий алоқа қилиш учун қизлар бор йўқлигини сўрагани, ўзи ишга чиқиб кетгани, лекин таниши Л.Муминова борлигини, енгил ишга бир соати 200.000-300.000 сўмдан чиқишаётгани айтганида О.Қурбонов қизларни гаплашиб бергани



учун унга неча пул беришини сўраганида ўзига Л.Мўминовани топиб бергани учун 200.000 сўм беришини айтганида рози бўлгани, шундан сўнг Л.Муминовага қўнғироқ қилиб, дам олишга чиқишини сўраганида рози бўлгани, сўнг ўзи Қува туманига шахсий ишлари билан кетаётганида О.Қурбонов қўнғироқ қилиб, Л.Муминовани келаётганини айтгани, унга бироз кутиб туришини, Л.Муминова автомашинада келаётганини айтгани, бироздан сўнг Л.Муминова қўнғироқ қилиб, жойларига етиб келиб, О.Қурбонов билан учрашганини, улардан неча пул олишини сўраганида ўзига 200.000 сўм, унга 200.000 сўм беришини айтгани, орадан тахминан ярим соат ўтганидан сўнг Л.Муминова қўнғироқ қилиб, О.Қурбонов билан дам олиб чиққани, пулларни олгани, уни қўшиб бергани учун олган 200.000 сўмни қачон олишини сўраганида эртага ишга чиққанида олишини айтгани, 2024 йил 20 март куни Тошлоқ тумани, Қалача маҳалласидаги тўпланиб турадиган жойига берганида, Л.Муминова 200.000 сўмни берганида ИИБ ходимлари келиб ушлашгани, қарамоғида икки нафар вояга етмаган фарзандлари борлигини, турмуш ўртоғи ва қайнонаси сил касали билан оғришини, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, келгусида бундай ишлар қайтарилмаслигини, ўзига тегишли хулоса чиқариб олгани, оилавий шароитини инобатга олиб, қонуний енгиллик беришни сўради.

Гувоҳ Л.Муминова судда, ёлланма ишлар билан шуғулланиб келишини, 2024 йил 19 март куни ёлланма ишга чиқиш учун Тошлоқ тумани, Қалача маҳалласига келганида М.Омонова қўнғироқ қилиб, таниши жинсий алоқа қилиш учун аёл сўраётганини айтганида пул зарур бўлгани учун рози бўлганида “Матиз” русумли автомашинада бир йигит боришини айтгани, орадан бироздан вақт ўтиб, М.Омонова яна қўнғироқ қилиб, бир йигит боришини, 400.000 сўм беришини, 200.000 сўм у билан жинсий алоқа қилиши эвазига, 200.000 сўми унга жинсий алоқа қилиши учун мижоз топиб бергани учун унга олиб қўйишини айтгани, орадан бироз вақт ўтиб, ёнига “Тико” русумли автомашинада М.Омонова айтган О.Қурбонов келиб, у билан жинсий алоқа қилиш эвазига 200.000 сўм, уни жинсий алоқа қилиши учун қўшиб бергани учун М.Омоновага 200.000 сўм бергани, автомашинада жинсий алоқа қилиш учун жой ахтариб турганларида ИИБ ходимлари холислар иштирокида ушлашгани ва ўзи учун олган 200.000 сўмни ва М.Омонова уни махсус иштирокчига қўшиб бергани учун берилган 200.000 сўм жами 400.000 сўм ИИБ ходимларига тақдим қилгани, сўнг ИИБ ходимлари тадбирни давом эттирилишини айтишгани ва М.Омоновага қўнғироқ қилиб, юборган таниши билан дам олиб бўлгани, пулини олгани, уни пулини қачон беришини сўраганида эртага ишга чиққанида пулни олишини айтгани, 2024 йил 20 март куни эрталаб соат 09-30 ларда ишга келиб ИИБ ходимлари билан М.Омоновага нисбатан ўтказилаётган тадбир давом эттирилиб, у махсус иштирокчидан олган 200.000 сўмни М.Омоновага берганида ИИБ ходимлари келишиб, М.Омоновани ушлашганини билдириб кўрсатув берди.



Гувоҳ Х.Амиров судда 2024 йил 19 март куни ИИБ ходимлари ўтказиладиган тадбирда холис сифатида иштирок этишни сўраганида рози бўлгани, сўнг ИИБ биносига киришгани ва тадбир иштирокчиси сифатида қатнашаётган фуқароларга тадбирда фойдаланиш учун 400.000 сўмни нусхаларини олиб, серия рақамларини баённомага киритиб тақдим қилингани, сўнг Тошлоқ тумани, Қалача маҳалласидаги ёлланма ишга чиқувчи одамлар тўпланадиган жойга бориб туришгани, тадбир иштирокчиси ўзининг телефонида М.Омоновага қўнғироқ қилиб, дам олиш учун бирорта аёл кераклигини айтганида, у ҳозир қизлар йўқлигини, бир соатларда бўлишини айтгани, орадан тахминан бир соат ўтганидан сўнг М.Омонова махсус иштирокчига қўнғироқ қилиб, ўзи бошқа жойга кетгани, манзилда Л.Муминова тургани, унга қўнғироқ қилиб айтиб қўйгани, уни ёнига бориб гаплашиб олиб кетишини, эвазига 200.000 сўм беришини, ушбу пулларни фохишалик қилмоқчи бўлган Л.Муминовага бериб қўйишини, пулни ундан эртага олишини айтгани, сўнг махсус иштирокчилардан бири М.Омонова айтган жойга бориб, ўзини Л.Муминова деб таништирган аёл билан учрашгани ва махсус иштирокчининг “Тико” русумли автомашинасига ўтириб, жинсий алоқа қилиш учун унга 200.000 сўм бериши тўғрисида ўзаро келишиб, Л.Муминова сўраган 200.000 сўм пуллар ва М.Омоновага қўшмачилик қилгани учун берилиши керак бўлган 200.000 сўм пулларни бергани, шундан сўнг улар автомашинада гаплашиб ўтиришганида ИИБ ходимлари томонидан ушланиб, ундан 200.000 сўм, М.Омонова қўшмачилик қилиш учун сўраган 200.000 сўмни ашёвий далил сифатида олиниб, ҳужжатлар расмийлаштирилгани, сўнг ИИБ ходимлари томонидан тадбир давом эттирилиб, 2024 йил 20 март куни соат 09-00 ларда Тошлоқ тумани, Қалача маҳалласига бориб кузатиб туришганида, Л.Муминова у ерда М.Омонова билан учрашиб, унга махсус иштирокчи билан қўшиб бергани эвазига сўраган 200.000 сўмни берганида ИИБ ходимлари томонидан ушланиб, 200.000 сўм ашёвий далил тариқасида ҳужжатлар расмийлаштирилиб олинганини билдириб кўрсатув берди.

Гувоҳ А.Холматов дастлабки терговда гувоҳ Х.Амировнинг кўрсатмаларини тасдиқлаб айнан ўхшаш мазмунда кўрсатув берган.

Гувоҳ З.Зулпонов судда, 2024 йил 19 март куни Тошлоқ тумани ИИБ бошлиғи номига ариза билан мурожаат қилиб, Қува туманида яшовчи М.Омонова Тошлоқ тумани, Қалача маҳалласида жойлашган ёлланма ишлар билан шуғулланувчи яъни мадикор бозорида фуқароларнинг ўзаро жинсий алоқа қилишлари учун шароит яратиб бериб, қўшмачилик қилаётганлиги ҳақида маълум қилиб, унга нисбатан қонуний чора кўришни сўрагани, ИИБ ходимлари унга ҳолат юзасидан тадбир ўтказишларини ва бу тадбирда “махсус иштирокчи” сифатида иштирок этишини сўрашганида рози бўлгани, у яна бир махсус иштирокчи билан М.Омонова билан ёзишмаларини тақдим этишгани, сўнг тадбир режалаштирилиб, уларга икки нафар холислар билан бирга махсус ишлов берилган нусхалари олинган 20.000 сўм пулларни серия рақами ёзилиб, тақдим этишгани,



шундан сўнг М.Омонова турадиган Тошлоқ тумани, Қалача маҳалласидаги мадикор бозорига “Матиз” автомашинасида боришгани, у ерда шериги М.Омоновадан енгил ишларга чиқадиган қизлар борлигини сўраган вақтида у борлигини, лекин ҳозир улар ишга чиқиб кетишгани, бироз вақт ўтиб келишини айтгани, ундан нархлар қандай бўлаётганлигини сўраганларида, у 150.000-200.000 сўм бўлишини, ўзига ҳам қиз топиб бергани учун 200.000 сўм пул беришларини айтгани, орадан тахминан бир соат ўтганидан сўнг унга қўнғироқ қилиб, қизлар келган ёки келмаганлигини сўраганида у келгани ва мардикор бозорига бориб туришларини айтгани, у ерга борганларида Л.Муминова уларни олдига келиб М.Омонова айтган аёл эканлигини билдириб, автомашинага ўтиргани, сўнг Л.Муминовага махсус ишлов берилган 200.000 сўм ва М.Омонова учун ҳам бериладиган 200.000 сўмни ҳам унга бериб, Л.Муминова олганидан сўнг махсус ишорага асосан ИИБ ходимлари келишиб ушлагани, шундан сўнг тадбир давом эттирилиб, 2024 йил 20 март куни соат тахминан 08:30 ларда Л.Муминовадан махсус ишлов берилган 200 000 сўмни М.Омонова олганида у ҳам ИИБ ходимлари томонидан ушланганини билдириб кўрсатув берди.

Гувоҳ О.Қурбонов дастлабки терговда гувоҳ З.Зулпоновнинг кўрсатмаларини тасдиқлаб айнан ўхшаш мазмунда кўрсатув берган.

Юқоридагилардан ташқари, суд, судланувчи М.Омонованинг айби айбига иқрорлик билдириб берган кўрсатуvidан ташқари, аризалар, дискдаги суҳбатларни эшитиш, стенограмма қилиш ва эшитишга бериш тўғрисидаги баённомалар, пулларга ишлов бериш ва аризачига тақдим қилиш ҳақидаги баённома ва фотоиловалар М.Омоновадан пулларни ашёвий далил тариқасида олиш баённомаси ва ҳамда жиноят ишида тўпланган ва суд мажлисида текширилган бошқа далиллар билан тўлиқ тасдиғини топди деб ҳисоблайди.

Суд, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2014 йил 23 майдаги “Суд ҳукми тўғрисида”ги Қарори 5-бандининг 2-хатбошида “Судлар ҳукм ЖПКнинг 26, 90 ва 455-моддалари талабига биноан фақат суд мажлисида текширилган ва суд мажлиси баённомасида ўз аксини топган далилларга асосланган бўлиши лозимлигини эътиборга олишлари керак”, деб берилган тушунтиришлардан келиб чиқиб, судланувчи М.Омонова томонидан содир этилган жиноий ҳаракатларини квалификацияси масаласини муҳокама қилиб, ғараз ёки паст ниятларда қўшмачилик қилгандаги ҳаракатлари дастлабки тергов органи томонидан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 131-моддасининг 1-қисми билан тўғри малакаланган деб ҳисоблайди.

Суд, судланувчи М.Омоновага жазо тайинлашда, уни айбига иқрорлигини, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, муқаддам судланмаганлигини, аёл кишилигини, қарамоғида икки нафар вояга етмаган фарзанди борлигини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 55-моддасига асосан жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб баҳолаб,



жиноятни ЖКнинг 56-моддасида кўрсатиб ўтилган жазони оғирлаштирувчи ҳолатларсиз содир этилган деб топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 8-моддасида жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одилона бўлиши, яъни жиноятнинг оғир-енгиллигига, айбнинг ва шахснинг ижтимоий хавфлилик даражасига мувофиқ бўлиши кераклиги, 54-моддасида суд жазо тайинлашда содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини, қилмишнинг сабабини, етказилган зарарнинг хусусияти ва миқдорини, айбдорнинг шахсини ҳамда жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни ҳисобга олиши кўрсатилганлиги, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги қарори 1-бандида жиноят учун жазо тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципига қатъий амал қилишга қаратилиши, 2-бандида судларга тушунтирилсинки, Жиноят кодексининг 10-моддасида назарда тутилган жавобгарликнинг муқаррарлик принципи ҳар доим ҳам жазо қўлланилиши шартлигини англатмаслиги, шу туфайли судлар, ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноятни биринчи марта содир этган, чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва жиноятнинг очилишига фаол ёрдам берган, етказилган зиённи қоплаган шахсларни ЖК 65, 66, 70, 71-моддаларига мувофиқ жавобгарликдан ёки жазодан озод қилиш масаласини муҳокама қилишлари лозимлиги, 3-бандида Жиноят кодексининг 8,54-моддалари мазмунига мувофиқ бўлиши кераклиги таъкидланганлигини инобатга олиб, суд, судланувчи М.Омоновани содир этган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини, қилмишнинг сабабини, айбдорнинг шахсини ҳамда жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни ҳисобга олиш билан бирга тайинланадиган жазони ўзи ва бошқа фуқаролар учун тарбиявий аҳамияти назарда тутиб, унга жазо тайинлаш лозим деб ҳисоблайди.

Суд судланувчи М.Омоновага нисбатан жазо тури ва миқдорини тайинлашда, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси 8-моддасидаги “Жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одилона бўлиши, яъни жиноятнинг оғир-енгиллигига, айбнинг ва шахснинг ижтимоий хавфлилик даражасига мувофиқ бўлиши кераклиги” ҳақидаги, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги Қарори талабларидан келиб чиққан ҳолда судланувчини шахсини, айбига иқро, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, муқаддам судланмаганлигини, жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар жиноятни ижтимоий хавфини жиддий камайтирувчи ҳолатлар деб топиш билан бирга, у айбли деб топилган қилмиш учун қонун санкциясида назарда тутилган ахлоқ тузатиш ишлари жазосини тайинлашни лозим топади.

Суд, ЖПКнинг 211-моддаси талаблари асосида ашёвий далиллар масаласини муҳокама қилиб, ашёвий далил тариқасида олинган 400.000 сўмни тилхат асосида ИИБ ходимларига қайтарилганини инобатга олишни,



-ашёвий далил деб эътироф этилган 2 дона ДВД дисклар жиноят ишига қўшиб сақлашни белгилашни лозим топди.

Юқоридагиларга кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 463, 465-468-моддаларига амал қилиб, суд

### **Ҳ У К М Қ И Л Д И:**

Омонова Мукамбархон Жамолитдин қизи (Omonova Mukambarxon Jamolitdin qizi) Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 131-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбдор деб топилсин.

Омонова Мукамбархон Жамолитдин қизи ЖК 131-моддасининг 1-қисми билан иш ҳақининг 10 фоизини давлат даромадига ундириш белгиланган ҳолда 1 (бир) йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Ахлоқ тузатиш ишлари жазони ўташ муддати ҳукм ижрога қаратилиб, ахлоқ тузатиш ишлари жазосига амалда жалб қилинган кундан бошлаб ҳисобланиб, мазкур жазо жазо ижросини назорат қилувчи органлар белгилаб берган жойларда ўтаттирилсин.

Жазо ижросини назорат қилиш Фарғона вилояти Қува тумани ИИБ Пробация гуруҳи зиммасига юклатилсин ва жазони ўташ муддати Пробация гуруҳида ҳисобга олинган кундан бошлаб ҳисоблансин

Омонова Мукамбархон Жамолитдин қизига қўлланилган эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг бекор қилинсин.

Ашёвий далил тариқасида олинган 400.000 (тўрт юз минг) сўм тилхат асосида ИИБ ходимларига қайтарилгани инобатга олинсин.

Ашёвий далил деб эътироф этилган 2 дона ДВД дисклар жиноят ишига қўшиб сақлансин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган, судланувчи ҳукм нухасини олган кундан бошлаб, 10 сутка ичида шу туман суди орқали Фарғона вилоят суди жиноят судлов ҳайъатига апелляция тартибида, ҳукм қонуний кучга киргач кассация тартибида шикоят ёки протест билдиришга ҳақлидирлар.

**Раислик қилувчи**

**М.Сиддиков**



Хукм кўчирмаси аслига тўғри  
**Жиноят ишлари бўйича**  
**Тошлоқ туман судининг судяси**  
**М.Сиддиков**

Хужжат имзоланган: Сиддиков Музаффаржон Иброхимович, 31.05.2024



Ҳужжат имзоланган: Сиддиков Музаффаржон Иброхимович, 31.05.2024

